

Хужжат кучини йўқотган 01.01.1998

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОИЧИЛДИРИЛГАН ҚОНУНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

▀ LexUZ шарҳи

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 1997 йил 24 апрелдаги 397-I-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 31-бандига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 88-модда; № 8, 191-модда; 1992 йил, 1, 50-модда; № 4, 168-модда; № 9, 337-модда; 1993 йил, № 1, 20-модда; 1994 йил, № 1, 14-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 3-модданинг 1-банди куйидаги мазмундаги «х» бандча билан тўлдирилсин:

«х) жисмоний шахс — патент эгасининг (лицензиарнинг) саноат мулки обьектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишидан ёки улар лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиатнинг саноат мулки обьектларидан фойдаланишдан олган даромад суммаси, шу жумладан валюта тушуми, фойдалана бошлаган санадан эътиборан:

патент бўйича ихтиродан фойдаланилса — 5 йил давомида;

дастлабки патент бўйича ихтиродан фойдаланилса — 3 йил давомида;

патент бўйича саноат намунасидан фойдаланилса — 3 йил давомида;

дастлабки патент бўйича саноат намунасидан фойдаланилса — 2 йил давомида;

гувоҳнома бўйича фойдали моделдан фойдаланилса — 2 йил давомида».

2. 4-модда 1-бандининг «б» бандчасидаги «ихтиrolар, кашфиётлар ва уларнинг илк саноат нусхаларини» деган сўзлар «интелектуал мулк обьектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-модданинг «в» бандчасидаги «шунингдек кашфиёт, ихтиро ҳамда саноат намуналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин ва «учун муаллифлик ҳаки суммаларидан;» деган сўзлардан олдин «шунингдек интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 8-модданинг 1-бандида келтирилган жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Солик солинадиган йиллик даромад миқдори (солик солинмайдиган минимум чегирилган ҳолда)	Солик суммаси
энг кам ойлик иш ҳаки миқдорининг 24 баробаригача	даромад суммасининг 15 фоизи
энг кам ойлик иш ҳаки миқдорининг 24 баробаридан (+ 1 сўм) 60 баробаригача	энг кам ойлик иш ҳаки миқдорининг 24 баробаридан олинадиган солик + 24 баробаридан ортиқ сумманинг 25 фоизи
энг кам ойлик иш ҳаки миқдорининг 60 баробаридан (+ 1 сўм) 120 баробаригача	энг кам ойлик иш ҳаки миқдорининг 60 баробаридан олинадиган солик + 60 баробаридан ортиқ сумманинг 35 фоизи
энг кам ойлик иш ҳаки миқдорининг 120 баробаридан (+ 1 сўм) ва ундан ортиқ	энг кам ойлик иш ҳаки миқдорининг 120 баробаридан ортиқ сумманинг 45 фоизи»

5. 9-модданинг иккинчи қисми «ижара ҳаки» деган сўзлардан кейин «интеллектуал мулк обьектларига бериладиган хуқуқларга эга бўлганлик учун патент божи, хуқуқларни рўйхатдан ўтказганлик йиғимлари ва хуқуқлар учун лицензия тўловлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 13-модда 2-бандининг бешинчи хатбошидаги «кашфиётлар, ихтиrolар ва саноат намуналарининг» деган сўзлар «интеллектуал мулк обьектларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.